

# MURABBIY MAHORATI

2017-yil: 2-son

ILMIY-METODIK, OMMAVIY-  
MA'RIFIY JURNAL

Мастерство наставника  
Skill of the mentor

## МУАССИС:

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги  
Ўзбекистон Педагогика фанлари  
илмий-тадқиқот институти  
Журнал 2016 йил июндан чиқа бошлаган



## Бош муҳаррир:

Норбек ТАЙЛАКОВ

## Масъул котиб:

Асқарали СУЛАЙМОНОВ

## Техник муҳаррир:

Уралбой МИРСАНОВ

## Саҳифаловчи:

Шохинур МИРЗАЕВ

## Таҳрир хайъати:

Бахтиёр ДОНИЁРОВ  
Муҳаммад ҚУРОНОВ  
Рисбой ЖЎРАЕВ  
Узоқбой БЕҒИМҚУЛОВ  
Рохатой САФАРОВА  
Мақсуд ЮЛДАШЕВ  
Муяссар ДИВАНОВА  
Жавлон ЯКУБОВ  
Моҳира ХОЛИҚОВА  
Раҳматилла МУСУРМОНОВ  
Комилжон КАРИМОВ

## Жамоатчилик кенгаши:

Дилшод КЕНЖАЕВ  
Ислом ЗОКИРОВ  
Холбой ИБРАГИМОВ  
Сарвар МАҲМУДОВ  
Муқаддас АБДУЛЛАЕВА  
Сафибулло АБДУЛЛАЕВ  
Иброҳим ИСМАТОВ  
Амрулло САФАРОВ  
Камол ГАФУРОВ  
Умарали ҚОДИРОВ  
Ғайрат ҚОДИРОВ  
Фаҳриддин ЭСАНБОБОВ

Журнал макети таҳририят матбаа бўлимида тайёрланди. Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

Таҳририятга келган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Мақолада келтирилган маълумотларга муаллиф жавобгар.

Таҳририят манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй,  
Телефон: 71-140-02-25,  
Факс: 71-140-02-26,  
e-mail: [mmmn2015@inbox.uz](mailto:mmmn2015@inbox.uz)

Босмахонага 07.04.2017 йилда топширилди.

Офсет усулида чоп этилди.

Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>

Шартли босма тобоги 8,4.

Босма тобоги 8. Адади 1002

Журнал «RELIEBLE PRINT»

босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 14-уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2016 йил 3 июнда 0850-сонли гувоҳнома билан қайта рўйхатга олинган.

## МУНДАРИЖА

## ТАЪЛИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Тайлаков Н.И., Жамалов А.Қ., Низомхонов С. Э. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига камраб олиш механизмлари.....	3
Ибрагимов Х., Ибрагимова Ф. Ўқитувчининг ижтимоий бурч ва вазифалари ҳамда унинг педагогик компетенцияси хусусида.....	11
Норбоев А.Ф. Ўқувчи шахсини экологик тарбиялашда таълим мазмунига қўйиладиган психологик талаблар.....	14

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Холиқова М., Xidirova M.I. Ingliz tili darslarini zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida tashkil qilish.....	17
Жумаев А. “Ўқитиш методикаси” ва педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар.....	20
Расулова Н. Мультимедиа технологияларни электрон дарсликларда қўллаш.....	23
Tojiboyev S. Ahmad al-Farg‘oniyning ilmiy-ijodiy faoliyatini o‘rganishda pedagogik texnologiyalarning o‘rni.....	26

## МЕТОДИКА

Турсунов Д., Акчаев Ф. Ўзбекистондаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни ўрганишнинг аҳамияти.....	29
Nishonov A.A. Tarix fanini o‘qitish jarayonida o‘quvchi-yoslarda millatlararo munosabatlarni shakllantirish omillari.....	31

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Юлчиева Г. Бадиий адабиёт воситасида мактабгача ёшдаги болаларни маънавиятини шакллантириш.....	33
---	----

## МАКТАБДАН ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Сапарбаев Т., Каипов Н. Мактаблардаги фан тўғаракларининг таълим-тарбиявий аҳамияти.....	37
--	----

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Saliyeva D. A. Bo‘lajak pedagoglarning kasbiy faoliyatga tayyorgarligining o‘ziga xos jihatlari.....	39
--	----

## КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ

Акбаров Б.А. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар.....	42
Чиманов А., Абдуолимов А. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларни тарбия жараёнига тайёрлаш хусусиятлари.....	45

элементларини ўзида жо этади ва кенг кўламда амалга оширилади. Бизнинг амалдаги узлуксиз ва ягона таълим тизимимизда умумпедагогик технология етакчи ўринни эгаллайди. Таълим турлари ва йўналишлари, ихтисослик ва мутахассислик таснифи ҳамда таълим муассасасининг ўзига хослиги асосида хусусий технология жорий этилади. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли бўлган дарс ва унинг бевосита давоми бўлган дарсдан ташқари ишларда кичик технологиялар кўлланилади ҳамда улар локал (махаллий) педагогик самарага олиб бориши лозим(3, 67–69).

Педагогик технология ва педагогик фаолият ҳамда ўқитувчи профессиограммаси бир бутун жараён ёки ходиса тарзида тасаввур қилинади. Шу нуқтаи назардан, педагогик технология ва педагогик маҳорат ўзаро қондош-эгизакдир. Педагогик технологияни ўқитиш жараёнида кўллаш–сифат ва самарадорликнинг етакчи омилларидан биридир.

Педагогик технология энг мураккаб жараён–инсоннинг таълим-тарбияси билан шугулланишда асосий восита бўлганлиги туфайли ҳам унинг тарихий, назарий, ижтимоий, фалсафий, методологик, педагогик, дидактик, физиологик, гигиеник, иқтисодий, мафкуравий,

ҳуқуқий-меъёрий, амалий ва бошқа асослари инсоният жамиятига самарали хизмат қилиб келмоқда.

Бундай ҳамкорликни узвий ва узлуксиз равишда давом эттириш таълим тизимини такомиллаштириш ва унинг мазмунини чуқурлаштириш ҳамда кўпгина ташкилий-тарбиявий ишлар билан боғлиқдир. Иккинчи томондан эса, бевосита ушбу масалани амалга оширишга бурчли бўлган педагог кадрлар захирасини шакллантириш ва уларни замон талаблари билан ҳамнафас тарзда касбий фаолият юритишга тайёрлаш давлат ва жамият зиммасидаги улкан ижтимоий вазифадир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Омонов Х., Хўжаев Н., Мадьярова С.А., Эшчанов Э. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Дарслик. –Тошкент: Иқтисод-Молия, 2009. – 240 б.
2. Джураев Р.Х. Информатизация образовательного учреждения. Журнал «Узлуксиз таълим», 2012. №1. – С.42–46.
3. Шермаматов А., Жумаев А., Арзиллаев Х. Инновацияларни жорий этишнинг ижтимоий-педагогик омиллари. —«Ўзбекистон автомобил-йўл комплексининг долзарб вазифалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўрлами. II қисм. – Тошкент : ТАЙИ, 2011. 67–69 б.
4. Ходжаев Б. Олий таълимда илгор педагогик технологияларни тағбиқ этиш: муаммо ва ечимлар//”Педагогик таълим”, 2013. №2. 27–31 б.



## МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШДА КЎЛЛАШ

**Н.РАСУЛОВА, ТАТУ Фарғона филиали “Ахборот–таълим технологиялари” кафедраси ўқитувчиси**

**Аннотация.** Мақолада электрон таълим учун электрон дарслик яратишда мультимедиа технологияларни қўллаш, электрон дарсликнинг фанни ўқитишдаги афзалликлари ва самарадорлиги, электрон дарслик яратиш тамойиллари ва стандартларига амал қилиш тафсилотлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** электрон таълим, электрон дарслик, мультимедиа технологиялари, афзаллик, самарадорлик, тамойил ва стандартлари.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются роль и место применения мультимедиа технологий в электронных учебниках, а также рассматриваются требования к электронным учебникам, преимущества применения электронных мультимедиа учебников.

**Ключевые слова:** электронное образование, электронные учебники, мультимедийные технологии, преимущества, роль.

**Annotation.** This article written about role and a place (media) multimedia technology in e-learners. Considered requirements for electronic books. The benefits of e-learners with multimedia technology.

*Key words: Electronic education, electronic textbooks, technology, advantages, role.*

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидандир. Мультимедиа тушунчаси XX асрнинг 90-йиллари бошида ҳаётимизга кириб келди. Мультимедиа ўзи нима, деган савол тугилади. Кўпгина мутахассислар бу атамани турлича таҳлил қилишмоқда. Бизнинг фикримизча, мультимедиа – информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) эффе́ктлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир. Ривожланган мамлакатларда ўқитишнинг бу усули, ҳозирги кунда таълим соҳаси йўналишлари бўйича татбиқ қилинмоқда. Ҳатто, ҳар бир оила мультимедиа воситаларисиз ҳордиқ чиқармайдиган бўлиб қолди. Ҳозирги кунда эса сотилаётган ҳар бир компьютерни мультимедиа воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Компьютерларнинг XX асрнинг 70-йилларида таълим соҳасида кенг қўллаш йўлидаги уринишлар зое кетганлиги, авваломбор, улар унумдорлигининг ниҳоятда пастлиги билан боғлиқ эди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш икки баробар унумлидир ва вақтдан ютиш мумкин. Мультимедиа воситалари асосида билим олишда 30% гача вақтни тежаш мумкин бўлиб, олинган билимлар эса хотирада узок муддат сақланиб қолади. Агар ўқувчилар берилаётган материалларини кўриш (видео) асосида қабул қилса, ахборотни хотирада сақлаб қолиши 25–30% ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 75% ортади.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш қуйидаги афзалликларга эга:

- берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти бор;
- таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;
- таълим олиш вақтини қисқариши натижасида вақтни тежаш имкониятига эришиш;
- олинган билимлар киши хотирасида узок муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Ҳозирда республика таълим тизимида ўқитувчи-тингловчи ва ўзаро тингловчилар алоқасини йўлга қўйиш мақсадида икки томонлама коммуникацион технологиялар кенг қўлланила бошлади. Бунда масофадан ўқитиш тизимини Интернет имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда тақсимлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда масофадан ўқитишнинг бир нечта моделлари ишлаб чиқилган. Булардан бири Интернет технологиялари орқали электрон қўлланмаларни уларда жойлаштириш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш бўлса, иккинчиси ҳар хил электрон дарсликларни тайёрлаш ва уларни CD лар орқали фойдаланишни ташкил қилиш ҳисобланади.

Ўқув адабиётларининг янги авлодларини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўқув адабиётларининг янги авлодларини яратиш концепцияси ишлаб чиқилган. Ушбу концепциянинг асосий вазифаларига ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш учун илмий гоъвий, услубий-дидактик, психологик, санитария-гигиенк талабларини ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларидан тўғри ва рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ таърифлар бериш ҳамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш учун стратегик масалалар кўламини аниқлаш кабилар киритилган.

Мультимедиали ўқитишда ўқув адабиётларинг янги авлодини яратишга қўйиладиган талаблар муҳим бўлиб, қуйидаги кўринишга эга: олий таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепциясида кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ олий таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари учун тасдиқланган Давлат таълим стандартлари ва фанлар бўйича узвий боғланган ўқув дастурлари асосида тайёрланиши, бунда муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турида ўқитиладиган бошқа фанлар билан боғлиқлигини, бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидаги узвийликни таъминлаш ҳамда ўқув адабиётлари белгиланган тартибда ҳар томонлама экспертзадан ўтиши назарда тутилган. Ҳар бир таълим тури учун яратилган ўқув адабиётларига психологик-педогогик, услубий-дидактик, санитария-гигеник ва бошқа талаблар алоҳида белгилаб қўйилиши кўрсатилган.

Электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилиши мақсадга мувофиқ. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлашиб ўқитиладиган, касбий ва махсус фанлар бўйича асосан кам ададли электрон ўқув адабиётлари тайёрланади. Ўқув адабиётларининг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукамаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

Мутахассисларнинг фикрича инсоннинг эшитиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзолари ёрдамида беш маротаба кўп маълумотларни эслаб қолиш мумкин. Сабаби эшитиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзоларидан олинаётган маълумотлар қайта кодлаштирилмай тўғридан-тўғри

хотирага ўтади ва сақланади. Электрон дарслик (ЭД) анъанавий дарсликка нисбатан ўқув материалларини намойиш қилиш учун кенг имкониятлар яратади. ЭД ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил ишлашлари учун мўлжалланган дидактик функцияларни бажариш билан бир қаторда ўқув жараёнига қўйилган барча талабларга жавоб бериши керак. ЭД ҳақида гапирилганда, уларнинг психологик, эстетик, эргономик, гигиеник ва методик-психологик томонларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Бунинг сабаби инсон организми электрон кўринишдаги маълумотларни қабул қилишни ўзига хос хусусиятларини талаб қилади. Аммо шундай психологик тўсиқлар бўлиши мумкинки, ўқувчилар компьютер экрандаги маълумотларни тўғридан-тўғри қабул қила олмасликлари мумкин. Маълумотларни қабул қилишда унинг фақат мазмуни эмас, балки ўлчами, ҳарфларнинг кўриниши, ранги ва тасвирнинг ҳаракати каби фактлар ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин. Шунинг учун ЭД нинг матни ўзининг хусусиятига эга бўлиши керак. Ўқувчиларнинг маълумотларни қабул қилиш учун ЭД даги ўзига хос хусусиятлар, яъни ўчиб-ёниш, рангни ажратиш кўрсатиш, тагига чизиб қўйиш, овоз каби воситалар таъсир этиши мумкин.

Шу нарсани эсдан чиқармаслик лозимки, бундай воситаларнинг кўп миқдорда бўлиши инсоннинг соғлигига таъсир кўрсатиши мумкин. ЭД ни яратишда яна бир муҳим муаммо — бу фойдаланувчиларга қанча миқдорда маълумот бериш мумкинлиги билан боғлиқ. Одатда, инсон организми ташқаридан келаётган маълумотларга нисбатан мослашишни талаб этади. ЭД лар билан ишлашда машқ қилиш режимида ёки кўпроқ мустақил ишлаш соатларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, маълумотларни ортиқ даражада қабул қилишни уларнинг диққатини жалб қилмайди. Бу муаммоларни сифатини ошириш ва бундан ташқари ЭД да бир қатор имкониятлар яратиш лозимки, улар ёрдамида кўпгина параметрларни ўзгартириш мумкин бўлсин. Масалан, овозни ўчириб қўйиш,

пасайтириш, кўтариш, рангларни ўзгартириш ва ҳоказо. Шундай қилиб, ЭДларни таълим жараёнига татбиқ этишда уларнинг педогогик томонларидан ташқари психологик, эргонологик ва гигиеник томонларини эътиборга олган ҳолда татбиқ этиш ўқувчиларни интеллектуал қобилият-ларини ва уларнинг бу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлайди. Оддий дарсликдан ЭДнинг афзаллиги унинг «интеллектуал» кучга эга бўлиши билан бир қаторда маълумотларни ўз вақтида ва керакли жойда тақдим этиш имкониятидадир.

ЭД — компьютерли ўқув услубини қўллашга ва фанга оид ўқув материалнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига асосланган ўқув адабиёти бўлиб, концепцияга кўра тўрт тоифага бўлинган:

I тоифа: ўқув материални фақат вербал (матн) кўринишда тақдим этадиган;

II тоифа: ўқув материални вербал (матн), икки ўлчамли график шаклида тақдим этадиган;

III тоифа: «мультимедиа» (multimedia — кўп услубли) дарслиги, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклида тақдим этиладиган мультиме-

диали ЭД;

IV тоифа: материал овозли ва уч ўлчамли фазовий кўринишда бўлиб қолмасдан, тактик (ҳис қилувчи, сезиладиган) хусусиятли маълумотлар воситасида баён қилиниб, ўрганилувчи «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириш ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган ЭД.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, барча тоифадаги ЭДлар ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда ва талабаларнинг мустақил билим олишлари ҳамда масофадан ўқитишни ташкил қилиш учун катта имкониятлар яратади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдукодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан, 2009.
2. М.В.Воронов, В.И.Пименов. Мультимедийные технологии и дистанционное обучение. 2000. № 1(12). С. 67–69.
3. Сляднева Н.А. Вузовская подготовка специалистов по электронному бизнесу и мультимедиа технологиям //Информация для всех: Культура и технологии информационного общества: Материалы междунар. конф. EVA'2002. 2–7 декабря 2002 г./ М-во культуры РФ, Центр ПИК. – М., 2002.



## AHMAD AL-FARG‘ONIYNING ILMIY-IJODIY FAOLIYATINI O‘RGANISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O‘RNI

S. TOJIBOYEV, Farg‘ona DU magistranti

**Annotatsiya.** Maqolada 7-sinf o‘quvchilariga tarixiy materiallarni tushuntirish jarayonida ta’limning samarali interfaol metodlaridan foydalanishning maqsadi va vazifalari, uning natijalarini tahlil qilish tafsilotlari yoritilgan bo‘li, bu jarayon buyuk alloma Ahmad al-Farg‘oniy ijodiy faoliyati misolida ochib berilgan.

**Kalit so‘zlar:** tarix, mustaqillik, ta’lim konsepsiyasi, ilmiy meros, dunyo, taraqqiyot, interfaol usullar, astronomiya,

**Аннотация.** В статье раскрываются методы использования эффективных интерактивных методов обучения в процессе объяснения учащимся 7 классов исторических материалов на примере анализа научно-творческого наследия великого мыслителя Ахмада аль-Фергани.

**Ключевые слова:** история, независимость, концепция образования, развитие, инновационные методы астрономия.

**Annotation.** This article 7<sup>th</sup> grade students the opportunity to explain the process of interactive methods during the training and the use of interactive techniques to the analysis of the results of the objective function. Great astronomer al-Ferghani creative work, study the relevance of the period of independence.

**Key words:** history, independence, the concept of education, scientific heritage, the development of the